# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 5 ноябрь, № 228 (7458) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда ислоҳотларнинг фаол амалга оширилиши муносабати билан давлат ва жамиятни ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва кўлами ошди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш фаолияти етарлича ташкил қилинмаганлиги, уларнинг натижадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизми тўлиқ йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш, нотўғри ёки зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига олиб келадиган нормалар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 42-моддасига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизимини** (кейинги ўринларда — ҳуқуқий мониторинг) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг я**гона амалиётини жорий этиш;**

ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий **тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш;**

**норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг** Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва **халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш**;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизион нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги **ягона тушунча ва атамалар тизимини яратиш**.

3. Белгилаб қўйилсинки:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлақонли ижро этиш давлат бошқаруви органларининг устувор вазифасидир;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлиги уларни амалда қўллаш бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш йўли билан аниқланади;

ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилади;

ҳуқуқий мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган **ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига** (кейинги ўринларда — мониторинг режаси) мувофиқ амалга оширилади;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** ва **Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан** қўшимча ҳуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этилган тақдирда, ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан **мониторинг режасига қўшимча киритилмасдан амалга оширилади**;

**(Давоми 2-бетда).**

### Навоий кон-металлургия комбинати:

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛТИН САҲИФАСИ



*Мамлакатимиз тараққиётида Навоий кон-металлургия комбинатининг ўзига хос ўрни бор. Бинобарин, олтин ва уран ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчилардан бири ҳисобланган ушбу корхонанинг асосий фаолияти табиий қазилма бойликларни қазиб олиш орқали республикамиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.*

**Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари**

Шу жиҳатдан олганда, Президентимиз ташаббуси билан комбинатни ривожлантиришнинг 2017 — 2026 йилларга мўлжалланган иккита дастури қабул қилиниши Қизилқум тарихида яна бир олтин саҳифа очди, дейиш мумкин. Чунки уларга кўра, 27 та инвестиция лойиҳаси учун 3 миллиард 63 миллион АҚШ доллари йўналтирилиб, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоиз ортиб, мингга яқин иш ўринлари яратилади.

— Комбинатимиздаги ислоҳотлар, инвестициявий лойиҳалар, модернизация тадбирлари давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида, — дейди бош муҳандис Николай Снитка. — Президентимизнинг комбинатимиздаги йирик лойиҳалардан бири — “Ауминзо — Амантой” кони негизида 5-гидрометаллургия заводи барпо этишга шахсан старт берганлиги бунинг тасдиғидир. Умумий қиймати 396 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа йилига 5 миллион тонна рудани қайта ишлаш, 5 минг 300 га яқин иш ўринлари яратиш имконини беради. Бундай йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши минглаб одамлар, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг турмушини фаровон қилишга замин яратади.

➡ 3

## ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, БУКИЛАДИ, БИРОҚ СИНМАЙДИ

*Мустақиллик йилларида юзлаб қонунлар қабул қилинган бўлса-да, улардан бештасини, айниқса, алоҳида фахр билан тилга оламиз: Асосий Қонунимиз — Конституция, давлат мадҳияси, давлат байроғи, давлат герби ва давлат тили билан боғлиқ қонунлар. Хўш, нега шундай?*

*Конституция — ҳар қандай миллат ва давлат учун муқаддас. У миллатнинг ўз давлатчилиги мавжудлиги тасдиғидир. Эндиликда дунёда икки мингга яқин миллат ва элатлардан ўз давлатига эгалари сони икки юзга етмаслиги, ҳатто бир неча ўн миллионлик нуфуси бор айрим миллатларда ҳалигача бундай имкон йўқлиги кўзда тутилса, миллий давлатчиликнинг таъсис ҳужжати бўлмиш Конституция қиммати тенгсизлиги аёнлашади.*

**Мушоҳада**

Давлати бор миллатнинг эса, табиийки, мадҳияси, байроғи, герби бўлади. Улар давлат ҳокимиятининг ҳам ички, ҳам ташқи ишларда мустақиллигини англатиб туради. БМТ биносининг пештоқида нечта байроқ ҳилпираб турган бўлса, бундан дунёда шунча давлат, аниқроғи, ўз давлатчилигига эга халқ, юрт бор, деган хулоса чиқади. Демак, ўзакда, давлат мадҳияси, байроғи ва герби бор миллат ҳеч кимга қарам эмас, эркиндир! Балки дунёнинг айрим ёки аксарият мамлакатларида бу каби рамзлар қабул қилингани билан боғлиқ саналар ҳар йили нишонланмас, лекин давлат мустақиллигини тиклаганига ўттиз йил тўлмаган биз, ўзбеклар учун бундай саналар ва байрамлар тансиқдир.

Давлати бор миллатнинг ўз давлат тили бўлиши табиий ва лозим. Шу билан бирга, барча юртларда ҳам давлат тили қонунчилиги ҳар йили нишонланмаса керак. Умуман, мавжуд икки юзга яқин давлатларнинг ҳар бирида “Давлат тили ҳақида” қонуни ёки шунга ўхшаш бирон ҳуқуқий ҳужжат бормикан?! Билишимизча, йўқ! Бу каби махсус тузук, одатда, ўзи ҳам, тили ҳам роса эзилиб-топталиб, сўнг сиёсий рўшноликка чиққан халқлар давлатчилигига тегишлидир. Бизнинг ҳолатда эса “Давлат тили ҳақида”ги Қонун давлат мустақиллиги учун миллий-озодлик курашининг белгиси сифатида қимматлидир, десак, тўғрироқ бўлади.

Деярли юз ўттиз йиллик мустамлакачилик муҳитида, тилимиздан бошқа миллий ўзлигимиз билан боғлиқ барча илдизимиз суғуриб ташланган шароитда одамларни қўзғаш, иззат-нафси, яъни кимлигини эсига солиш, ғафлатдан уйғотиш — улуғ мақсад йўлида бирлашиши, бирлаштириш учун бундан зўр ҳамда тенгсиз омил йўқ эди. Шунинг учун ҳам мустамлака замонида ўз фойдамизга қабул қилинган ва истиқлол йилларида бекор қилинмаган бирдан-бир ҳуқуқий ҳужжат мана шу бўлади. Айни сабабдан ҳам, ўттиз йилдирки, ҳар йили кузакнинг ўрталаридан бошлаб, “Давлат тили ҳақида”ги Қонунимизни ҳаммамиз жўр бўлиб эсга оламиз, аниқроғи, олиб келаётган эдик.

➡ 3

## ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик янада ривожланади

Пойтахтимизда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ШҲТга аъзо давлатлар ва кузатувчи мамлакатлар, ўндан ортиқ халқаро ташкилотларнинг юқори мартабали делегациялари қатнашган ушбу анжуманда ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик, сиёсат, маданий-гуманитар ва кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга оид муҳим масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ва бошқалар ШҲТ фаолияти тобора ривожланиб бораётгани, ташкилот Хартияси ҳамда аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида эътироф этди.

Айтиш жоизки, ШҲТга асос солинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа муддатда ушбу ташкилот Евроосиё минтақасида муҳим роль ўйнаётган нуфузли тузилмага айланди. Унинг халқаро майдондаги мавқеи йил сайин юксалиб, ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдираётган давлатлар сафи ҳам тобора кенгайиб боряпти.

Ўзбекистон ШҲТнинг таъсисчи давлатларидан бири сифатида мунтазам тарзда ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, унинг халқаро нуфузини ошириш йўлида кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга оширяпти. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизнинг ташкилотдаги иштироки сезиларли даражада фаоллашди.

Ҳозирги пайтда ШҲТ фаолияти сиёсат, хавфсизлик, терроризмга қарши кураш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, экология ва бошқа кенг кўламли масалалардаги ҳамкорликни ўз ичига олади. Ўтган йилларда ШҲТ ҳудудида терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансчегаравий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, аъзо давлатлар ва минтақада барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди. Бугунги кунда 70 дан ортиқ келишув ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни тартибга солмоқда.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Бишкек саммитида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар ҳолати, яъни аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик, сиёсат, иқтисодиёт каби соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ташкилот Бош котиби В. Норовнинг ҳамда ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси кенгаши раисларининг тузилма фаолиятига оид ахборотлари тингланди.

➡ 2

## Туркманистон Президенти асарлари – юртимиз китобхонлари нигоҳида

*Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов асарларида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини янада ошириш масалалари” мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзолари, таниқли иқтисодчи олимлар, молия ва иқтисодиёт соҳалари мутахассислари ҳамда Туркманистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари қатнашди.*

**Анжуман**




Гурбангули Бердимуҳамедов асарлари тақдимоти ўтказилди.

Анжуманда бугунги кунда Туркманистон замонавий тараққиёт йўлидан дадил одимлаётгани таъкидланди. Туркман қардошларимизнинг мамлакат иқтисодиётини юксалтириш ва халқнинг фаровон ҳаётини таъминлаш борасида эришаётган ютуқлари халқаро доирада ҳам эътироф этилмоқда. Бунда мамлакат Президентининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган изчил ислоҳотлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбирда Туркманистон Президенти

➡ 2

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

## Маҳаллий Кенгашлар ўзларига тегишли бюджетни қабул қилишда ҳақиқий мустақилликка эга бўлади

*Ҳозирги кунга қадар маҳаллий ҳокимликлар ўз бюджетини тепадан кўрсатилган рақамлар асосида шакллантириш билан кифояланмоқда. Яъни улар бирор рақамни ўзгартириш ваколатига эга эмас. Эндиликда вазият буткул ўзгаради...*



Кеча Олий Мажлис қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Давлат бюджети бошқармаси томонидан “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган семинарда бу алоҳида айтиб ўтилди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда бюджет жараёни очиқлигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти.

Ушбу ҳужжатда 2020 йилдан бошлаб, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборотлар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқланиши белгиланган.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси давлат бошқаруви секторларининг бюджет борасидаги масъулиятини оширади ҳамда ижро интизомини янада мустаҳкамлайди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танлаб олиб, такрорий ҳуқуқий мониторинг ўтказишга ҳақли;

ҳуқуқий мониторингни ўтказишда давлат бошқаруви органлари адвокатлар, илмий-таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини, шунингдек, фуқароларни шартнома асосида жалб қилишга ҳақли. Ушбу тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган **ҳуқуқий мониторингда иштирок этиш**;

давлат бошқаруви органлари томонидан **ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича** ўз вақтида тақдим этилмаган, нотўғри, ишончсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилган тақдирда, уларга нисбатан ҳуқуқий мониторингни ўтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида **бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш**.

6. Давлат бошқаруви органлари:

а) **ҳар йили 1 февралга қадар:**

ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантиришни ва биринчи раҳбар имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

мониторинг режасига мувофиқ ўтган йилда ўтказилган **ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

б) **ҳар чоракда** мониторинг режасига мувофиқ таҳлилий маълумотлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **ҳар йили 20 февралга қадар:**

а) давлат бошқаруви органларининг таклифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

мониторинг режасининг бажарилиши натижалари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича таклифлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **ҳар йили 20 мартга қадар** мониторинг режасини ҳамда ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилган ҳолда тасдиқласин.

9. **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳуқуқий мониторингни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, мониторинг режаси бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўтказилиши ҳолати бўйича ахборотни белгиланган муддатларда киритиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, шу жумладан, мазкур қарорнинг 6, 7-бандларида назарда тутилган ташкилий тадбирлар **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида** ташкил этиладиган махсус электрон майдончада амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида:

ҳуқуқий мониторинг иштирокчилари ўртасида тезкор электрон ҳужжат айланишини таъминлаш;

мониторинг режасини шакллантириш;

ўтказилган ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича тайёрланган материалларни жойлаштириш имконини яратувчи махсус электрон майдончани жорий этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мунтазам равишда махсус электрон майдончанинг тўғри бошқарилишини мувофиқлаштирсин, шунингдек, ўтказилган ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича жойлаштирилган материалларни таҳлил қилиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 ноябрь

# ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик янада ривожланади

1

Мажлисда долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича фикр алмашиш асносида ШҲТ маконида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, янги мазмундаги халқаро муносабатларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Хусусан, инновацион қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, рақамлаштириш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм каби тармоқларда лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якунлари бўйича 14 та ҳужжат имзоланди. Хусусан, ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида турли йўналишлар — савдо-иқтисодий, озиқ-овқат хавфсизлиги, темир йўл транспорти, логистика, аъзо давлатлар ўртасида узоқ ва олис қишлоқларни ривожлантириш, божхона хизматларида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси ШҲТ ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва барча соҳада ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ОАВ вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Делегация раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси юксак савияда ташкил қилинганини эътироф этди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2020 йилда илк бор Ҳиндистон Республикасида ўтказилади.

**Владимир НОРОВ,
ШҲТ Бош котиби:**

— Аввало, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тараққиётининг асосий мазмунига қисқача тўхталиб, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича бир қатор таклифларни айтиб ўтсам. Бугун дунёдаги беқарор иқтисодий шароитда минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг самарали тизимини шакллантириш ШҲТнинг устувор йўналиши бўлиб қоляпти.

Бунда ШҲТнинг Бишкек саммити муҳим роль ўйнади. Унда минтақалараро ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, янги таҳрирдаги 2035 йилгача кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури бугунги даврнинг барча талаби ҳамда ШҲТнинг янги форматига тўлиқ жавоб беради.

Шундай экан, ушбу дастурни ижро этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш билан бир қаторда саноат, энергетика ва ҳудудий ривожланиш масалалари бўйича ишчи гуруҳ тузишни таклиф этамиз. Ўз навбатида, ШҲТ маконида транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириш мақсадида мультимодал транспорт-логистика марказларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

Қолаверса, ШҲТга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари ўзаро ҳамкорлиги режасини ишлаб чиқишни ҳам таклиф этамиз. Бу янги темир йўл магистралларини очиш ва мавжудларининг салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Минтақавий темир йўл магистралларини ривожлантиришда Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли, шунингдек, ушбу жараёнга Афғонистонни ҳам жалб қилиш муҳимдир.

Ички, минтақавий ва глобал миқёсда электрон савдо ривожланиб бораётганини инобатга олиб, ШҲТнинг электрон савдони ривожлантириш бўйича дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз. ШҲТ Котибияти Тошкент саммитида қабул қилинган барча қарорни амалга ошириш учун саъй-ҳаракатларини ишга солади.

**Дмитрий МЕДВЕДЕВ,
Россия Федерацияси
Ҳукумати Раиси:**

— ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик фаолиятнинг барча йўналиши — иқтисодиёт ва сиёсатдан тортиб, хавфсизлик ва гуманитар соҳаларгача янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси ўсиб боряпти. Масалан, 2001 йил ШҲТни тузиш бўйича битим имзолаганимизда бу борадаги кўрсаткич 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур рақам 650 миллиард АҚШ долларига етди.

Иқтисодий ривожланишнинг ушбу тенденциясини мустаҳкамлаш мақсадида кенгаш йиғилишида 2035 йилгача кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурининг янги таҳрири тасдиқланиши муҳим воқеа бўлди. Бунда самарадор ишлаб чиқариш ва инновацияларга алоҳида урғу берилган.

ШҲТга аъзо мамлакатлар шаҳарлари экологик фаровонлигини ривожлантириш дастури ҳам саммит кун тартибидаги асосий ҳужжатлар қаторидан жой олган. Айни чоғда мамлакатларимизнинг қайта тикланувчи энергетика, энергия тежамкорлик, транспорт-коммуникация каби соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик салоҳиятини ривожлантириш ва янада кенгайтириш долзарб ҳисобланади. Биз янги йўналишларни очишни режалаштиряпмиз. Жумладан, келгуси йилдан Москва — Қозон пулли автомагистралини қуришга киришамиз. У Европа — Ғарбий Хитой йўлагининг бир қисмига айланади.

**Сергей РУМАС,
Беларусь Республикаси
Бош вазири:**

— Бугун ШҲТ дунё давлатларининг иқтисодиётини кўтаришда бирлаштирувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда. Аъзо ташкилотлар турли форматларда алоқа ўрнатишга интиляпти, бу ижобий ҳолат. Кўплаб соҳаларда ШҲТ сабабли Евроосиёда тартиб ва барқарорлик сақланиб келинмоқда. Хавфсизлик ва барқарорлик учун зарур шарт-шароитларни таъминлаяпти.

Ўйлайманки, тижорат хавфсизлиги, транспорт ва логистика, энергетика, инновацион технологиялар каби соҳаларда ҳамкорликдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда биз янада фаолроқ бўлишимиз керак. Тез ўзгариб бораётган иқлим шароитида тижорат хавфсизлигини таъминлаш замонавий дунёда ривожланишнинг асосий вазифаларидан биридир. Қолаверса, ядро энергетикаси ва ядровий хавфсизлик бўйича доимий учрашувлар ташкил қилиш механизмини яратиш вақти келди. Чунки атом энергетикаси ва ядровий хавфсизлик масалалари бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

**Муҳаммадқалий
АБИЛҒАЗИЕВ,
Қирғизистон Республикаси
Бош вазири:**

— Мажлис жуда юқори савияда ташкиллаштирилганини алоҳида эътироф этмоқчиман. Унда ШҲТ ҳамкорлигининг долзарб масалалари, хусусан, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари каби масалалар муҳокама қилинди.

Шу ўринда айтиш керакки, бугун ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги изчил ҳамкорлик ҳар қачонгидан-да муҳимдир. Чунки жаҳон иқтисодиёти мураккаб даврни бошдан кечиряпти. ШҲТ доирасида махсус аёллар кенгаши тузиш ҳақидаги таклифни маъқуллаймиз.

Ўйлайманки, мажлис доирасида кўриб чиқилган долзарб масалалар ШҲТга аъзо давлатлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, глобал тараққиётга эришиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суришда муҳим аҳамият касб этади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
Саиджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи»).**

# Туркманистон Президенти асарлари – юртимиз китобхонлари нигоҳида

1

— Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ва қўшни бўлиб келган, — дейди Туркман миллий маданий маркази раҳбари ўринбосари Гулдона Авездурдиева. — Тарихи, маданий ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатлари муштарак, тили ўхшаш икки халқ бугун ҳам ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётир. Албатта, мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ривожида давлат раҳбарларининг яқин дўстлиги, бир-бирига ҳурмати ва ишончи муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган кенг кўламли ҳамкорлик жадал ривожланаётган ҳозирги даврда мана шундай нуфузли анжуманларни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Гурбангули Бердимуҳамедовнинг “Туркманистон — фаровонлик ва тараққиёт мамлакати” китобида туркман халқининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, шунингдек, аҳолининг фаровон турмуш даражасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз боради.

“Аркадагнинг бахтиёрлик замони” асарида муаллиф томонидан туркман халқининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини юксалтириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўллари илмий жиҳатдан асосланган.

Муаллифнинг “Туркманистон барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида” китоби бой табиий, кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳиятига эга Туркманистонни комплекс ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар қаламга олингани, “Туркманистон қудрат ва саодат даврида” асари мамлакат ва хорижий нашрларда чоп этилган кенг кўламли ва хилма-хил маълумотлар тизимли таҳлил қилингани билан катта ижтимоий-сиёсий, илмий-амалий аҳамиятга эга.

Конференцияда Гурбангули Бердимуҳамедовнинг асарларида Туркманистоннинг замонавий тараққиёт асослари илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берилгани қайд этилди.

**Азамат МУХТОРОВ,
ТДИУ профессори,
Шаҳзод ҒАФФОРОВ
(«Халқ сўзи»).**

# Маҳаллий Кенгашлар ўзларига тегишли бюджетни қабул қилишда ҳақиқий мустақилликка эга бўлади

1

Таклиф этилаётган лойиҳада маҳаллий бюджетлар даромадларини солиқ турлари бўйича ва харажатларини бюджет ташкилотлари кесимида ўзлари белгилаши кўзда тутилмоқда. Бу эса маҳаллий Кенгашлар ўзларига тегишли бюджетни қабул қилишда ҳақиқий мустақилликка эга бўлади, деганидир.

Ўз навбатида, вазирлик ва идоралар бюджетларининг Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши уларга ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлашга олиб келади.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадлари қисмида бўлаётган ўзгариш маҳаллий ҳокимиятнинг иқтисодиётни ривожлантириш орқали солиққа тортиш базасини кенгайтириш ва бюджетга келадиган тушумларни кўпайтиришга бўлган қизиқишини оширади.

Тадбирда иштирокчилар томонидан мавзу юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

## Янги қонунлар

# Тўлов хизматлари бўйича қулай имкониятлар яратилади

*Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонун давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.*

Айтиш жоизки, Қонун тўлов хизматларини етказиб берувчи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи бўлган жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида тўловларни амалга ошириш, тўлов хизматлари кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Қонуннинг амал қилиши крипто-активларга доир операцияларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, Марказий банк тўлов тизимларининг ишлаши устидан назоратни амалга оширади, инспекция текширувларини ўтказади. Энг муҳими, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тўлов тизими операторлари ва (ёки) тўлов ташкилотига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллайди.

Шу билан бирга, Қонунда тўловлар ва бошқа операциялар амалга оширилишини таъминловчи тўлов тизими — электрон пуллар тизими экани белгиланган.

Қонуннинг қабул қилиниши банклар мижозлари учун бир қатор замонавий хизматларни тақдим этиш имконини беради. Тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасида ягона ахборот-ҳуқуқий макон яратилиши, Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозори самарали тартибга солиниши, қолаверса, электрон пуллар тизими иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар кўрилишига кўмаклашади.

Шунингдек, Қонунга кўра, банк картасини сақловчи ўзининг картаси йўқолганлиги ёки банк картасидан рухсатсиз фойдаланилгани тўғрисидаги хабарномани туну кун юбориш имконияти билан таъминланади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, кучга киради.

**Одилжон ИМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.**

# Илм-фан келажаги — миллат келажаги

*Илмий фаолиятни тартибга солишга оид ҳуқуқий базамиз кун сайин такомиллашиб бормоқда, айни дамда у 6 та боб, 46 моддадан иборат “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун билан бойиди.*

Даставвал айтиш керак, бундай Қонунга зарурат анчадан буён мавжуд эди. Илмий соҳада бўлаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар кўп, аммо ундаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий нормалар керак эди бизга. Бу борада, шубҳа йўқки, юртимиз фани ривожи йўлида тер тўкиб меҳнат қилаётган олимлар, академиклар, профессор, ўқитувчилар ва уларнинг сафига аста-секин қўшилиб бораётган ёш тадқиқотчилар фаолиятини янги босқичга кўтариш, эркин илмий-ижодий изланишлар олиб бориши, илмий маҳсулотларини қўллаб-қувватлашда мазкур Қонун жуда катта ҳуқуқий ёрдам вазифасини ўтайди.

Қонунда олий таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга, таълим олувчиларда илмий тафаккурни, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш орқали юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш каби устувор вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилган.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 3-моддасида “Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари сифатида: илмий ижод ва ахборот эркинлиги, самарадорлик ва ижодий рақобат, манфаатдорлик ва рағбатлантириш, илмий экспертизанинг холислиги, инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик” сингари йўналишлар санаб ўтилган. Илмий ижод ва ахборот эркинлиги тамойили олимларнинг тадқиқот иши билан шуғулланиши учун ижодий эркинлик яратади, шунингдек, ахборот манбаларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини беради. Илмий ишларни давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан молиялаштириш орқали Ўзбекистон илм-фанини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Масаланинг яна бир томони бор. Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлод орасида илм-фанни замон талаблари жиҳатидан ўрганишга иштиёқи баланд ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Буни олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар сонининг кўплигидан ҳам англаш қийин эмас. Табиийки, олий маълумотли бўлишга интилиш талаби кучли экан, яхши ишга жойлашиш, муваффақиятли карьера қилиш истаги ҳам ўзига яраша кучли бўлади. Ўз янгилик ва ихтиролари орқали фан равнақига ҳисса қўшиш ниятидаги салоҳиятли ёшларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши соҳага фақат ва фақат фойда келтиради. Бунинг учун эса ёшлар ўртасида илмий янгилик ва муаллифлик лойиҳаларини кенг тарғиб қилиш, уларда янгилик яратишга иштиёқни ривожлантириш зарур.

Қонуннинг 11-моддасида соҳага оид давлат дастурларини ишлаб чиқиш орқали мактаб давриданоқ иқтидорли ёш йигит-қизлар учун ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, махсус синфлар, марказлар ва ўқув курслари, танловлар ташкил этиш зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларида ёш олимлар ва талабаларнинг илмий фаолият юритишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳам лозим.

Илм-фанимиз фидойилари фаолиятини эркинлаштириш, глобал ва миллий ахборот макони имкониятларидан тўлақонли фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи мазкур Қонун юртимиз илм-фанини янги босқичга кўтаради. Ахир илм-фан келажаги, бу — бутун мамлакат, миллат ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажаги ҳамдир.

**Нозима МУРАТОВА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий
коммуникациялар
университети проректори.**

# Цемент ишлаб чиқариш ҳажми эҳтиёжга мосми?

*Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш ҳажми жорий йил якунлари бўйича 15 миллион тоннага етиши кутилмоқда. Бу камми ёки кўп? Қурилиш учун энг талабгир маҳсулот цемент эканлигини инобатга олсак, унга бўлган эҳтиёж ҳам катталигини англаш қийин эмас. Шу боис юртимизда 2021 йилга бориб, ушбу қурилишбоп ашё етказиб беришни 17 миллион тоннага олиб чиқиш мўлжалланаётгани диққатга сазовор.*

## Халқаро конференция

Пойтахтимизда бошланган “Цемент саноати ва бозори” XVII Марказий Осиё халқаро конференциясида шулар хусусида сўз юритилмоқда. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамда Россия Федерациясининг “Бизнес Цем” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда 15 мамлакатдан 80 дан ортиқ мутахассислар, халқаро экспертлар, хусусан, Жаҳон цемент уюшмаси, Германия, Туркия, Қозоғистон, Италия, Швейцария, Австралия, Ҳиндистон каби давлатларнинг етакчи компания ва фирмалари вакиллари қатнашмоқда. Юртимиздаги цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтлари, олий ўқув юртлари, қурилиш ва кимё саноати мутахассислари ҳам шу ерга жам бўлган.

Айни пайтда юртимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар, амалиётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар дунё иқтисодиёти ривожи, ҳудудлар ободлигида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, шу йил август ойида “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида Ўзбекистонда биринчи бўлиб “М-600” маркали юқори сифатли цемент тайёрлаш ўзлаштирилди. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ва “Евроцемент груп” холдинг билан ҳамкорликда “Оҳангаронцемент” АЖда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси ишга туширилгач, бу ерда “М-700” маркали цемент тайёрлаш йўлга қўйилади.



Конференцияда бир қатор долзарб мавзуларда илмий маърузалар, тақдимотлар уюштирилиб, саноатнинг мазкур тармоғига мўлжалланган замонавий техника ва ускуналар кўргазмаси ҳам ташкил этилмоқда.

Иштирокчилар, шунингдек, 6 ноябрь куни мамлакатимиздаги йирик саноат субъектларидан бири — “Оҳангаронцемент” АЖ фаолияти билан ҳам яқиндан танишадилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).**

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

## АКАДЕМИК ҲУСНИДДИН ҲАМИДОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Қорақалпоқ тилшунослигининг йирик намояндаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ҳусниддин Ҳамидов 84 ёшида вафот этди.

Ҳ. Ҳамидов 1935 йил 5 январда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида туғилди. 1955 йили икки йиллик ўқитувчилар институтини тугатиб, ўз фаолиятини ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик Қорақалпоқ педагогика институтида таҳсил олиб, 1967 йилда номзодлик, 1991 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, 2000 йилда ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 60 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, бўлим мудири, Қорақалпоқ давлат университетида профессор, кафедра мудири вазифаларида самарали меҳнат қилди ва қорақалпоқ тилшунослиги соҳасидаги долзарб масалаларни илмий тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Тил тарихи бўйича чуқур изланишлар олиб борган, қадимий қўлёзмалар илмий тавсифини яратган олимнинг «Қорақалпоқ тили тарихи очерклари», «Эски қорақалпоқ тилининг ёзма ёдгорликлари», «Бердақ қўлёзмалари мероси» каби монографияларида қорақалпоқ адабий тили нормаларининг шаклланиши муаммолари эски ўзбек адабий тили билан узвийликда очиб берилган.

Ҳ. Ҳамидов жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, 1995 — 2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият кўрсатди.

Кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган жонкуяр устознинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан доктори ва фан номзодлари тайёрланган.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ҳусниддин Ҳамидовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, М. ЕРНИЯЗОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**

## Навоий кон-металлургия комбинати:

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛТИН САҲИФАСИ

←1

Шунингдек, “Пистали” конини ўзлаштириш, 6-гидрометаллургия заводи қурилиши, 2-гидрометаллургия заводи қувватларини ошириш, “Мурунтов” кони 5-навбатини ишга тушириш, техноген чиқитларни қайта ишлаш мажмуасини барпо этиш каби лойиҳалар ҳам корхонамиз қувватига қувват қўшиш баробарида, янги иш ўринлари яратилиши орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мустақиллигимизнинг йигирма саккиз йиллиги тантаналари арафасида Шимолий кон бошқармасининг 3-гидрометаллургия заводида Сорбциялаш жараёни чиқиндиларини юқори самарали куйдириш мажмуаси ишга туширилиши учқудуқликлар учун ажойиб тарихий воқеа бўлди. Тантанада комбинат раҳбарияти билан бирга Германиянинг кончилик технологияларида машҳур “Engineering Dobersek” компанияси вакилларининг ҳам иштирок этиши нафақат тантана нуфузи, балки Юртбошимиз саъй-ҳаракати туфайли Ўзбекистон — Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик равнақининг амалий ифодаси бўлди.

Шунингдек, ушбу янги ва замонавий ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этишда Германиянинг “Eirich”, Италиянинг “Tenova”, Австриянинг “Cemtec” сингари етакчи компаниялари қатнашганлиги тармоққа энг илғор технологиялар жорий этилаётганидан далолатдир.

Мазкур мажмуа “Кўкпатас” ва “Довгизтов” конларининг ишлаши қийин бўлган рудаларидан олтин ажратиб олиш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган энг истиқболли инвестициявий лойиҳалардан бири бўлиб, ўзининг илғор муҳандислик-техник ечимлари, технологик жиҳозланиш даражаси ноёб эканлиги билан ажралиб туради. Келгусида хом ашёдан фойдаланиш самарадорлиги 8 фоизгача, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 11 фоиз ошиб, 150 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

### Лойиҳалар истиқболга хизмат қилади

Навоий кон-металлургия комбинатида қазилма бойликларни қидирувдан тортиб, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот даражасигача бўлган жараёнлар жамланганки, ҳар бирида замон билан ҳамнафаслик, илмий ёндашув ва илғор технологияларни дадил жалб этиш устувор белгиланади. Шу боис эндиликда комбинатда махсус техникалар, ускуналар, ҳисоблаш ва компьютер технологиялари, автоматик бошқарув, замонавий ўлчов воситаларининг сўнгги авлоди жамланган. Буларнинг барчаси халқаро андозалар даражасида маҳсулот тайёрлаш имконини беради. Чунончи, бу Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган олтиннинг Лондон қимматбаҳо металлар қуймалари бозори ассоциацияси ва Токио саноат маҳсулотлари биржаси томонидан халқаро миқёсда сифат эталони деб қабул қилинганлиги мазкур соҳа вакилларининг профессионал даражаси, шу билан бирга, шарафли меҳнатининг юксак эътирофидир.

— Мамлакатимиз олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, табиий газ ва бошқа фойдали қазилмалар захираси бўйича дунёда етакчи ўринлари эгаллайди, — дейди комбинат бош директори ўринбосари Назирбек Раҳмонов. — Маълумотларга кўра, бу заминда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан захиралари намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал-хом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан зиёд конлар қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал-хом ашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланган.





### Энг севимли масканлар

Навоий кон-металлургия комбинатининг янги тарихи йирик лойиҳалар билан бирга, мутахассис ва ишчи-ходимлар ижтимоий муҳофазаси, яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда бир қатор бунёдкорлик ишларидаги фаол иштирокида ҳам намоён бўлади. Хусусан, давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Зомин туманининг сўлим гўшасида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари қурилишини халқимиз маънавияти хазинасини тўлдиришга қўшилган бебаҳо ҳисса дея баҳолаш лозим. Шунингдек, Зомин туманида 150 ўринли “NKMK” санаторийси фойдаланишга топширилди. Сиҳатгоҳ миллий ҳамда замонавий меъморчилик анъаналари ва ютуқларидан фойдаланган ҳолда бунёд этилди. Учқудуқда “Орзу” истироҳат боғи, Зарафшон ва Заркентда болалар аквапарки, Зарафшонда фавворалар хиёбони, Навоий ва Зафарободда мусиқали фавворaларнинг ишга туширилиши туфайли бу жойлар аҳолининг энг севимли, мароқли дам олиш масканларига айланди. Комбинат бўлинмаларида фаолият кўрсатаётган 600 минг китоб фондига эга 12 та кутубхона аҳоли ўртасида китобхонликни оширишга хизмат қилмоқда. Комбинатнинг болалар оромгоҳлари республиканинг энг намуналилари сифатида тан олинган. Ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳам доимий эътиборда. Буларнинг барчаси нафақат комбинат, балки республикамиз иқтисодиёти равнақида, халқимиз турмуш даражаси яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, БУКИЛАДИ, БИРОҚ СИНМАЙДИ

←1

Ўхшатиш ўринли бўлса, йил бўйи деворда осиқлик турган, қувурчаси обдан ёғланган, ўқининг дориси тўкиб ташланган милтиғимизни қўрқа-писа, ишқилиб биров эшитиб қолмасин-да, деган чўчиш билан истар-истамас секингина бир отиб қўяр эдик. Келаси йилгача эса худо пошшо...

Очиғини айтганда, миллат яшаши, ўзи учун курашиши, юксакликларга интилиши, давлати, жамияти, оиласи туриш-турмушини юритиши, икки оғиз сўз билан айтганда, борлиғи ва ривожи учун ўз тилидан ўзга тилда фикрлаши, қийналиши, қоқилиши, ўрганиши, билиши, яратиши, бошқариши мумкин ва зарурлигини бошданоқ миямизга сиғдиролмаганмиз. Бунинг учун уни мажбурлаш шартлигига ишонмаганмиз.

Миллийлигимиз билан боғлиқ барча омилларнинг энг жони қаттиғи эса тилимиз экан. Неча асрлар ва ҳатто кейинги ўттиз йилда, она тилимиз мисолида “ҳақиқат эгилади, букилади, бироқ синмайди” олтин қоидаси ўзини яна бир бор кўрсатди, кўрсатганда ҳам ошиғи билан кўрсатди...

“Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг ўттиз йиллигига бағишланган бош тадбирни “Тошкент Сити”нинг Халқаро Конгресс марказида Президентнинг ўзлари ўтказар эканлар, деган хабарни эшитганимизда, кўнглимиз водийсида ажиб бир туйғу туғилди. Миллатимиз борлиғи ва тақдири билан боғлиқ бундай кучли туйғуни умримизда иккинчи марта ҳис қилишимиздир.

Илк бор 1991 йил августининг йигирма уч-йигирма тўртинчи саналарида, ўттиз биринчи август куни Олий Совет сессияси бўлишига оид ахборотни ўқиганимизда ҳам пайдо бўлганди бундай ҳис: демак, мустақиллигимиз эълон қилинади! Шундай бўлди ҳам. Орадан йигирма саккиз йил ўтди. Мазкур — бир йигит умрига тенг муддат ҳам тез ўтди, ҳам ўта мураккаб кечди. Кўнгил ва онг ушбу жараён сифатини ойдинлаштириб берувчи бир кўзгу истаса, “Давлат тили ҳақида”ги Қонунимиз босиб ўтган йўл манзараларига боқиш лозим. Шу йўсинда, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий турмушимиз қандай кечганини билиб олиш мумкин...

Эндиги туйғунинг боиси не? Наҳотки “оддийгина” тил масаласи давлат мустақиллиги эълон қилинишидек тарихий воқеага тенглашолса?! Нима, биз тилимизни шунчалик йўқотиб қўйган эдикми?! Ҳатто мустақиллик йилларида ҳам у шунчалар топталдими?! У йўқ бўлиб кетиш даражасига тушиб қолганмиди?!

Нега тилга, биргина Қонунга бунча эътибор, шараф, умид ва ишонч? “Давлат тили ҳақида”ги Қонунни қабул қилиш орқали Истиқлол сари илк ва дадил қадамни қўймаганмидик, мустақиллигимизни ҳам ўз тилимиз билан эълон қилмаганмидик, Конституция, мадҳия, байроқ, герб, ҳарбий қасамёд, миллий пулимиз... барча-барчасида миллат тилининг ҳиссаси йўқмиди?

Юқоридаги шахсий кечинмаларимиздан сезилганидек, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан боғлиқ ўттиз йиллик жараённинг бошидан сўнгигача гувоҳмиз... Президентимизнинг давлат тилига қайғуриш ишига шахсан бош-қош бўлгани, ўттиз йиллик эмас, тушунган ва билган киши учун неча минг йиллик ўта муҳим муаммони узил-кесил ечишга бел боғлаганини тасодиф эмас, деб биламиз. Буни 2018 йил бошида мамлакатимиз етакчисининг элчиларимиз билан учрашувда айтган қуйидаги сўзларидан ҳам англаш биз учун қийинчилик туғдирмаганди: **“Ўзингиз айтинг, элчи деган одам ўзбек халқининг бой тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, ватандошларининг дарду ташвишларини яқиндан билмаса, уларни юрагидан ўтказмаса, қандай қилиб Ўзбекистонни дунёга таниттиши мумкин? Дейлик, Алишер Навоийдан, Бобурдан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан икки қатор шеър айта олмаса, энг ёмони, она тилимизни мукаммал билмаса, қандай қилиб ҳақиқий элчи бўлиши мумкин?”**

Демак, Ўзбекистонни дунёга танитиш учун миллат, аввало, ўз тили, адабиёти, тарихи, маданияти, қадриятларини билиши керак! Яъни ўз тилини таниши зарур. Шундан кейингина уни бировлар тан олади.

Жорий йилнинг 23 августида бўлиб ўтган, халқ таълими тизимини ривожлантиришга бағишланган ва чиндан ҳам, тарихий йиғилиш замирида фақат таълим-тарбия масаласи бор, деган одам хато қилади. Бунинг учун эса давлатимиз раҳбари томонидан айтилган **“Буюк аждодларимиз ўзларининг илмий ва ижодий кашфиётлари билан дунёга устозлик қилишган. Бошқаларга эргашмаган, балки бошқаларни ўз ортидан эргаштирган. Биз ҳам эргашувчи эмас, эргаштирувчи кучга эга халқ бўлишимиз шарт. Акс ҳолда, тараққиёт йўлидан четга чиқиб, яна таназзул ботқоғига ботамиз. Ота-боболаримиз эришган марраларни осонгина бой бериб қўямиз. Бу аждодлар руҳига, келажак авлодларимизга хиёнат эмасми? Бу соҳада бугун шошилинч чоралар кўрмасак, эртага кеч бўлади”** ҳикматини сезгирлик билан уқиш лозим.

Яъни илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларидагина эмас, давлат ва жамият фаолияти билан боғлиқ барча жабҳада эргаштирувчи куч бўлишимиз даркор! Уч йил бурун бошланган янгиланишлар, сифат босқичи ўзгаришларидан асл муддао ҳам шу. Ва бу бизнинг қўлимиздан келади! Аммо олдинига тилимизни ўз уйимиз — оила, жамият, давлатимизда эргаштирувчи кучга айлантирмоғимиз лозим.

Ажиб туйғунинг яна бир жиҳати тадбирнинг айнан “Тошкент Сити”да ўтказилиши билан боғлиқ. **“Асосий мақсад жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибадорлигини оширишдан иборат”** бўлмиш ушбу замонавий, “ақлли шаҳар” бошиданоқ барчанинг ақлини шошириб қўйгани яхши маълум...

Юртимизнинг кўплаб кентларида бор “эски шаҳар”ларни тўкилиб қолганлик маъносидагина тушуниб келишимиз ҳам тилимизга эътиборсиз бўлиб келинганни, ўтмишимизни билмаслигимиз оқибати, десак тўғри бўлади. Ҳолбуки, мазкур атама жуда узоқ замонлардан бери борлиқни ҳам англатади (биз ушбу тушунчани форсча “кўҳна”, арабча “қадим” сўзлари орқали ифодалашга ўрганганмиз). Шунинг учун ҳам ёши икки минг йилдан ўтиб, уч минг йил сари бораётган Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Қўқон, Марғилоннинг ҳар бирида “эски шаҳар” бор. Тўғрироғи, асил шаҳарлар! Мазкур шаҳарларнинг келиб чиқиш ва яралиш ери!

Тошкент ҳам шундай. Унинг Ўқчи маҳалласи ўтмиши ҳам жуда эскидир. Номидан ҳам кўриниб турганидек, бу ерда ўқ, яъни қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар яшаганлар. Демак, умуман, Туркистон, хусусан, Тошкентни минг йиллар ичра ёмон кўзлар, ёвуз кучлардан асрашда ўқчиликларнинг хизмати ва ҳиссаси бошқача бўлган. Бироқ, минг афсуски, мустамлака даври ва кейин ҳам эски шаҳримизнинг маҳаллалари тўкилиб қолди. Эскини ямагунча, эсинг кетади, деган мақол худди шу маҳаллаларга аталиб тўқилгандек...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари... Онамизнинг Ҳазрати Имом (Ҳастимом) ва Қўштут оралиғида ерлашган ота ҳовлиси билан боғлиқ воқеалар эсимизда қолган. Сомон сувоқнинг иси анқиб турадиган кўчалари тор, уйлари яшаш учун ўнғайсиз, ёзда ичимлик суви, қишда иситиш катта муаммо, ёғингарчилик кезлари ҳовлиларни сув босиши, чаён, ҳатто илон чиқиши оддийликка айланган. Эски шаҳарнинг барча маҳаллалари, жумладан, биз туғилиб-ўсган тарихий “Беш оғайни”га ҳам хос манзара ҳали ҳам кўз ўнгимизда.

Бувимизнинг “Дамкўм келиб, маҳалла бузилади, ҳеч кимни прапискага қўймаларинг, деб қўл қўйдириб кетди”, деганлари илк бор қулоғимизга чалингани ўша йиллар эди (кейинги йилларда ҳам бу гапни неча марта эшитганмиз). Шунга ҳам ярим аср бўлибди!

Истиқлол йилларида эски шаҳарларимизда меъморчилик-қурилиш йўналишида бирон арзигулик иш қилинмади, десак адолатдан бўлмайди. Бироқ бир жиҳат кўзга яққол ташланмай қолмайди. У ҳам бўлса, соҳанинг мустамлака давримизда туғилиб, илдиз отиб кетган дунёқарашидан воз кечолмадик. Шаҳарсозлигимиз катта эҳтиёж ҳамда қурилиш ҳар қандай миллий иқтисодиётни илдамлаштирувчи кучлигидан келиб чиқиб, олдиндан ўйланган яхлит, замонавий режа ва маҳорат негизида эмас, балки янги йўллар, кўприклар солиниши, турли тадбирларга атаб қуриладиган иморатлар учун ер майдонларини бўшатиш зарурати ўлароқ ривожланди (ўшанда ҳам йиллар оралатиб ва бюджетда маблағ топилганда). Узоққа бориб нима қиламиз, салкам ўттиз йил ичида мамлакат пойтахтининг меъморчилик-қурилиш ривожи бўйича бош режаси ишлаб чиқилмаганининг ўзи кўп нарсага ишора!

Шу маънода, кўпчилик **“шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнерлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этган”** “Тошкент Сити” ва умуман, юртимизнинг турли ҳудудларида қад ростлай бошлаган бошқа ситиларни кўрганда, “бизда ҳам шундай замонавий шаҳарчалар қурса бўларкан-ку, қойил-эй”, дея қувонгани, 2016 йил кузида бошланган ўзгаришлар сифат омили нима эканлигини ўз кўзи билан кўраётгани бор гап.

Қолаверса, бизга шундай қурилишлар керакми ўзи, бунинг ўрнига ундоқ қилиш керак эди, бундоқ қилиш керак эди, дея миллатнинг ҳар соҳадаги асрий ғафлат уйқусидан уйғониб кетишини истамаган “ақлли одамлар” камчилиги бўлганини бугун айтмасак, қачон айтамиз?! Қачонгача андишанинг оти қўрқоқ бўлади? Қачонгача бағрикенгликнинг оқибати миллий маҳдудлик, қолоқлик, жумладан, тилимизнинг мажақланиши бўлади?! (Баъзан ўйлаб қоламиз: тилимизнинг шу аҳволга тушишида ўша камчил “ақлли”ларнинг қўли йўқмикан?!)

Ўтган аср тўқсонинчи йиллари иккинчи ярмида Тошкент аҳли оғзида бўлган гап-сўзларни эслайлик: корейслар пул тикиб, Ўқчи маҳалласи ўрнида бир нималар қурар эканлар. Кейинчалик бу ишни четдан яна кимлардир қилиши бўйича миш-мишлар тарқалди. Шу йўсинда, йигирма йил ўтди, четдан келадиган бир тийин йўқ шароитда бировлар битта чўпни у ердан олиб бу ерга қўймади, гап гаплигича қолаверди. Ўқчи маҳалласи, худди “ўқлар ёмғири остида қолгандек”, “илма-тешик” бўлиб ётаверди...

**“Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошланганидан, бу соҳада биз кўп нарсага қодир эканимизни кўрсатиб турган”** “Тошкент Сити”ни эса ўзимизнинг Ҳаракатлар стратегиямиз, ўз миллий етакчимиз бошчилигида, қоракўзларимизнинг кучи ва пули билан қурдик. Лекин, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг юракни қувонтириб, ақлни янада пешлайдиган қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топди, деб ўйлаймиз: **“Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетакрор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказаётганимиз бежиз эмас”**.

Бошқача айтганда, замон билан қадамма-қадам ривожланиб боришимиз шарт. Бироқ бу йўлдаги барча интилишлар, ўзгаришлар, янгиланишлар, марралар миллий рўшнолигимиз учундир. Унинг туғи эса ўзбек тилидир!

Ажиб туйғумиз бизни алдамади. Миллатимиз ҳамда тилимизнинг кўп минг йиллик оғир ва қийин йўли илк бор давлат раҳбари даражасида хулосаланиб берилди: **“Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-уқубатлар, кулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум. Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тилини — миллий ғурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди”.**

Бошқаларни билмадиг-у, шахсан биз учун тилнинг тегишли миллат ёзмиши билан узлуксиз боғлиқлигидан иборат ҳикмат юзага чиққанининг ўзи муҳим ва азиздир. Негаки, миллий етакчимизнинг мазкур сўзлари жаранглаганда, Томир хотун, Широқ, Спитамен, Қабач хотун, Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Шоший, Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Марғиноний, Кубро, Жалолиддин, Темурбек, Шоҳрухбек, Улуғбек, Али Қушчи, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ҳабиб Абдулла, Иброҳим Мўмин, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф сингари миллатимизнинг қанчадан-қанча улуғ вакиллари руҳлари шод бўлгани аниқ.

Куруш ва Доройўш (Доро), Искандар ва араблар, Чингизхон ва сўнгги мустамлакачилар босқинларига қарши жон олиб, жон берган, қарамликнинг барча кўринишдаги азоб-уқубатларига чидаган миллионлаб аждодларимиз руҳлари покланганi, шубҳасиз.

Очиқ тан олайлик, яқин-яқингача ўтмишимизда миллатимиз бошига ёғдирилган фожиалар ҳақида расмий даражада рўй-рост айтиш у ёқда турсин, кундалик ахборот маконида ҳатто қистириб ўтишнинг иложи йўқолаёзганди. Бир пўписа билан тарих дарсликларимизни ўзгартириб юборган пайтларимиз бўлганини бугун ҳар ким ҳам эслай олмаса керак?! Биз яна кўча-кўйларимиздаги чет ёзувлардан “хафа” бўламиз. Ўтмишининг қора кунларини бaралла айтишга юраги йўқ тил қандай қилиб қаддини тиклаши, руҳини кўрсатиши, чиройини очиши мумкин эди? “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганига бағишланган ҳар йилги ҳафталикларни хўжакўрсинга ўтказиб келганимиз-чи?

Шу маънода, давлат тилига бағишланган тадбирни давлат раҳбарининг шахсан ўзи ўтказгани, унда неча йиллар орзиқиб кутилган ҳақиқатларни баралла айтгани, “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон қабул қилингани ушбу санани адолат, ҳақиқат, ақлирасолик ва ботирлик ғалаба қозонган кунга — миллий байрамга айлантириши табиийдир. Оддий, бироқ мантиқий савол: давлат тилининг биринчи ва доимий ҳимоячиси, аввало, шу давлатнинг раҳбари бўлиши лозим эмасмиди?! Худди шундай! Шундай бўлди ҳам. Энг асосий маррамиз ҳам аслида шу!

Ҳукумат таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаментини ташкил этиш, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш, Атамалар комиссиясини тузиш, эътибор беринг, 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳасини тайёрлаш топшириқлари-чи! Шуларнинг ўзиёқ одам юрагини зириллатиб юборди-ку!

Ажиб орзумиз ортиғи билан ушалди. Бошқаларни билмадик-ку, мана энди росмана мустақил бўлдик, дегимиз келади. Ўз вақтида давлат тили учун кураш билан бошланган тарихий босқич ўттиз йил деганда ўз мантиқий якунига етди. Чунки **“Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарурлиги... ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозимлиги”** ҳақиқати яққол юзага чиқди. Ушбу шароитда эса, тилимизга бўлган севги ва садоқатимизни олдимизга қўйилган вазифаларни янгича дунёқараш, билим, меҳнат ва оқиллик билан бажариш орқали исботлашимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Миллий етакчимиз ўз тарихий нутқини **“буёғи барчамиз ва ҳар биримизга боғлиқ”**, дея бежиз якунламади. Дўппини ерга қўйиб, холис ўйлаб, тан берсак, ўзбек тили росмана давлат тили бўлиши йўлидаги неча асрлик тўсиқлар қўпорилиб, тўғонлар бузиб ташланди. Энди баҳоналар ўтмайди. Буёғи, чиндан ҳам, ҳар биримизга боғлиқ!

**Азамат ЗИЁ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тарих фанлари доктори, профессор.**

# Ҳинд туроператорларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортмоқда

*Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонасида мамлакатимизнинг туризм салоҳиятига бағишланган тадбир ташкил этилди.*

## Биз ва жаҳон

Унда Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ишбилармон доиралари, туризм ҳамда меҳмонхона бизнеси вакиллари, Ҳиндистоннинг етакчи туроператорлари, туризм йўналишидаги босма ва электрон нашриётлар ходимлари, блогерлар, фильм ижодкорлари ҳамда туризм йўналишида қўшма лойиҳалар амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорлар қатнашди.



Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон туризм салоҳияти, сайёҳлик соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди, амалий лойиҳалар таклиф қилинди.

— Компаниямиз зиёрат-туризми йўналишида фаолият юритади, — дейди **“Bukhari Tours & Travels” компанияси раҳбари Сайид Таха Мир**. — Бу борада Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа қадимий ўзбек шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар бутун дунёдаги зиёратчиларни ўзига жалб этади. Самарқанддаги Имом Бухорий зиёратгоҳи, Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳиятини Ҳиндистонда кенг тарғиб қилмоқдамиз. Шу кунлари Ўзбекистонга дастлабки сайёҳлар гуруҳини юбориш тайёргарлигини кўряпмиз.

— Бугунги мулоқот биз учун самарали бўлди, — дейди **“Lord Krishna” продюсерлик компанияси раҳбари Ражеш Сегхал**. — Ўзбекистон вакилларидан туризм соҳасидаги имкониятлар, хусусан, мамлакат ҳудудида фильм суратга олиш билан боғлиқ имтиёзлар бўйича маълумотлар олдик. Фильм олиш йўналиши мамлакатларнинг маданий ва туризм салоҳиятини дунёга танитишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бугунги учрашувда Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари расмийлари билан яқиндан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдик ҳамда ўзаро фойдали қўшма лойиҳалар бўйича таклифлар олдик.

“B2B” форматидаги музокаралар чоғида Ҳиндистондан Ўзбекистонга зиёрат туризми йўналишидаги сафарлар кўламини кенгайтириш, мамлакатимиз сайёҳлик масканларида ҳинд таомлари марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, инфо-турлар ташкил этиш ва бошқа масалалар юзасидан бирламчи келишувларга эришилди.

**«Дунё»АА.**
Деҳли

## Эътироф



# Ўзбек ошхонаси — энг яхшиси

*Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида “Яшил сайёра” халқаро экология тадбири бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон, Беларусь, Молдова, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва каби давлатлардан 115 нафар йигит-қиз, жумладан, ўзбекистонлик фаол юртдошларимиз иштирок этди.*

Тадбирнинг очилиш маросимида МДҲ мамлакатлари маданияти, санъати ва миллий ошхонаси намойиш этилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг миллий ошхонаси иштирокчилар орасида катта қизиқиш уйғотиб, “Кечанинг энг яхши ошхонаси” дея эътироф этилди.

Қатнашчилар Боку шаҳридаги “Экопарк” ҳамда “Экосфера” мактабида бўлиб, шаҳардаги экологик ҳолат ва экотуризм йўналишида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Тадбир якунида иштирокчилар Озарбайжон Республикаси Спорт ва ёшлар вазирлигининг сертификат ҳамда дипломи билан тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

## Александр Файнберг таваллудининг 80 йиллиги

# Адабий дўстлик — абадий дўстлик



*Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.*

Ўзбекистонда атоқли шоир ижодини биладиган, унинг асарларини ўқиганлар оз эмас. Бунинг сабаби бор, албатта. Рус тилида ёзилганига қарамай, унинг шеърлари ҳар биримизнинг қалбимизга яқин. Шу боис ижодкорнинг адабий мероси юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, номзодлик ва докторлик ишлари ёқланмоқда.

Тошкент шаҳридаги шоир яшаган хонадонга ўрнатилган ёдгорлик лавҳининг очилиш маросимида бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида ўтказилган адабий-бадиий кеча ижодкорга ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Унда шоирнинг яқинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ҳамда шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёшлар қатнашди.

Хотира кечасида Президентимиз томонидан миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқлар ва адабиётлар дўстлигига, ҳамжиҳатлигига катта ҳисса қўшган ижодкорларни эътироф этиб, уларга алоҳида рағбат кўрсатишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Александр Файнберг ўзининг бутун ҳаёти ва ижодини халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини бойитишга, маданий ҳамкорлик ҳамда маънавий қадриятларни ривожлантиришга бағишлади. Жумладан, унинг мутафаккир бобомиз Алишер Навоий асарларини мазмун-моҳиятига, латофатига путур етказмасдан рус тилига таржима қилгани бу жиҳатдан беқиёс тарихий иш бўлди.

— Александр Файнберг ўзбек халқининг садоқатли дўсти, ардоқли шоири эди, — дейди шоир Рустам Мусурмон. — Ўзбек деган номни доим баланд тутди. Ўзи ҳам шу юртда туғилганидан фахр этди. Халқаро майдондаги обрў-эътиборидан қувонди. У ўзининг қатор шеърлари, ижодий суҳбатларида буни мамнуният билан тилга олди. Заҳматкаш шоирнинг ўзбек тилида чоп этилган “Чиғир” номли шеърий ва кўплаб насрий асарлари халқлар дўстлигининг бадиий рамзи бўлиб қолади. Зеро, адабий дўстлик — абадий дўстликдир.

Тадбирда Александр Файнберг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди. Дўстлари юксак фазилатларини хотирлади, киношунослар саҳнага кўчган асарлари ҳақида фикр юритди, шоирлар шеърларидан ўқиди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан тайёрланган концерт дастури йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

**Адиба УМИРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# Халқаро хайрия ярим марафони

*“Samarkand half marathon” — илк халқаро хайрия марафонида дунёнинг 23 давлатидан 1100 нафардан ортиқ спортчи ва ҳаваскорлар қатнашди. Улар Регистон мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Донийёр ёдгорлиги, Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси, Бибихоним масжиди сингари тарихий обидалар олдидан белгиланган масофани босиб ўтдилар. Марафончиларни шаҳар аҳолиси, меҳмонлар олқишлаб турди.*

## Эзгу ташаббус

— Ташкилотчиларга катта раҳмат, — дейди 10 километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтиб, шахсий рекордини янгилаган қозоғистонлик Дмитрий Иванчуков. — Жуда қизиқарли тадбир.

— Кичик масофада югуришга ўрганганман, — дейди 10 километрлик масофада хотин-қизлар ўртасида маррага биринчи бўлиб етиб келган қозоғистонлик яна бир спортчи Татьяна Нерознак. — Марафон барча қоидалар асосида ташкил этилган, шароитлар, ташкилотчилик аъло даражада.

21 километрлик масофани ҳамюртимиз Шоҳрух Давлатов 73 дақиқада босиб ўтиб, ғолиб бўлди. Кейинги ўринларни ҳам мамлакатимиз вакиллари Андрей Петров ва Бегзод Сафаров қўлга киритди. Хотин-қизлар ўртасида ҳам ушбу масофада юртимиз вакиллари тенгсиз эканликларини исботлади. Нурхон Муҳиддинова, Екатерина Тунгускова ҳамда Тамила Кўчқорова ғолиб ва совриндор бўлди.

2 километр масофада спортчилар билан бирга ҳаваскорлар ҳам қатнашиб, эркаклар ўртасида фарғоналик Хуршид Аҳмадалиев, хотин-қизлар ўртасида Самарқанд давлат университети талабаси Маржона Баротова зафар қучди.

Марафонда таниқли спортчилар қаторида турли соҳа вакиллари, сенаторлар, депутатлар, тадбиркорлар, кексалар ва ҳаваскорлар ҳам бор эди.

Тадбир сўнгида ғолиблар ташкилотчиларнинг пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Федерация тенниса Узбекистана**
**объявляет конкурс**
**на приобретение воздухоопорного сооружения для теннисных кортов**

**Предмет конкурса:** воздухоопорное сооружение для теннисных кортов в количестве 1шт. Размер — на 2 корта, ширина 36 м, длина 36 м, покрываемая площадь 1 296 $м^2$.

**Технические характеристики:**

**1.** Двойные мембраны: вес внутренней мембраны 500 г/$м^2$, вес наружной мембраны 900 г/$м^2$, огнестойкость: Bs2 d0 (Ex Class I), самозатухающая огнестойкость.

**2.** Входная система: наличие двойной двери с внешними размерами 1,20 x 2,00 x 2,00 м, двухстворчатой, наличие ручки для компенсации внутреннего давления. Несущая конструкция из трубчатых металлических профилей, соответствующим образом окрашенная и покрытая полиэфир-ной тканью, что и основное покрытие.

**3.** Тепловой генератор с температурным режимом не ниже — 5 °.

**Иные требования:** сооружение должно быть оборудовано внутренним освещением, датчиком давления и климатическим оборудованием для поддержания и использования в течение всего года. Выходная дверь должна быть изготовлена из стальных профилей, защищена от коррозии и окрашена, облицована ламинатом с характеристиками, подходящими для противостояния ударам. Размеры 1,20 x 2,25 м с устройством аварийной разблокировки.

На весь поставляемый товар должны быть представлены сертификат качества, сертификат происхождения и сертификат соответствия. Гарантия на поставляемое сооружение должно быть не менее трех лет, на мотор — два года.

**Контрактные условия:**

Условия платежа: предоплата в размере 50% от стоимости поставки в согласованные сроки, после подписания договора, 50% от суммы каждой поставки в течение 90 банковских дней после получения продукции.

Валюта платежа:
— для отечественных поставщиков — сум РУ;
— для иностранных поставщиков — рубль, доллар США, евро.
Срок действия коммерческого предложения должен составлять не менее одного месяца.
В коммерческом предложении необходимо указать условия платежа, условия и сроки поставки товара.

**Заявки на конкурс и коммерческие предложения принимаются по адресу:**
**Республика Узбекистан, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, 1-й переулок Асака, 14, председателю конкурсной комиссии Тулягановой Ироде Батыровне.**
**Телефон 71-237-25-54. Факс 71-237-30-56.**
**E-mail: utf@tennis.uz, Dustov_farrukh@tennis.uz**

***Прием конкурсных предложений — до 17.00 12 ноября 2019 года.***







«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси котибиятининг катта референти С. Ж. Ҳамдамовга отаси

**Жўрабой ҲАМДАМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 950 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6